

ЁШ АВЛОДНИ МУМТОЗ МУСИҚА ДУРДОНАЛАРИНИ ТИНГЛАШГА ҚИЗИҚТИРИШ ОМИЛЛАРИ.

Султонов Абдураҳим

Гулистан давлат университети

Санъатшунослик факултети“

*Анъанавий хонандалик ва ҳалқ
чолгулари” кафедраси доценти.*

Телефон 97 341 69 01

sultonovabduraxim48@gmail.com

Мұхиддинова Жасмина Шерзодовна.

Анъанавий хонандалик ва ҷолгулари” кафедраси талабаси

muhiddinovajasmina0926@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда санъат оламига кириб келаётган аксар ёш хонандаларнинг асосий мақсади - ҳар қандай йўл билан танилиб олиш бўлиб қолган Вилоятларда, узоқ туман ва қишлоқларда иқтидорли, чиройли овозга эга бўлган истеъдод соҳибларини, қобилиятли ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Аммо бундай иқтидорларни пойтахтга келиб ўзларининг овозларини, ижроларини магнит тасмаларига ёздириб, саҳна ёки телевидение орқали ўз санъатларини намойиш этишлари учун юқорида таъкидлаб ўтилганларни ҳал этиш анча мушкул муаммо бўлиб қолмоқда. Менимча бундай қобилиятли, ширави овоз соҳибларини юқори мутасадди ташкилотлар Маданият вазирлиги, “Ўзбекконцерт ИЧБ”, вилоятлар маданият муассасалари раҳбариятлари томонидан қўллаб – қувватлашнинг вақти аллақачон келган.

Калит сўзлар: Мумтоз ашула, мақом, қобилият, истеъдод, устоз, шогирд, ҳоғиз, саҳна.

Турли хил касб эгалари мусиқани турлича қабул қиласи, турлича тушунади. Мусиқани қабул қилиш ва тушуниб эшитиш – тингловчининг ёшига ҳам боғлиқ. Инсон 40 ёшдан ошгандан кейин мумтоз ашуналарни қўпроқ ёқтириб тинглайдиган, концертларда, тўйларда мумтоз ашула айтиётган хонандага қўшилиб куйладиган бўлиб қолади. Ўз дардини маъноли, мазмунли қўшиқлар эшитиб аритадиган яъни, жисмидаги оғриқлар ва чигалликларни қўшиқ айтиш орқали “ёзадиган” бўлиб қолади. Азалдан инсон ўзи ёқтирган ашулави айтиб ўз кайфиятини кўтарган, завқланган. Демак мусиқадан йироқ бўлган бошқа касб эгаларининг ақли ва фикри ҳам 40 ёшдан кейин янада мукаммаллашиб боради.

Замон тезлашуви боис кўплаб хорижий мамлакатларда қобилиятли, иқтидорли, соғлом болаларни “дунёга келтириш ва ҳаётга тайёрлаш” масаласи, асосий масала қилиб кун тартибига қўйилган. Бу масала бўйича бизда ҳали бажариладиган ишлар талайгина. Аввало қобилиятли, иқтидорли соғлом болаларни дунёга келтирадиган ота-оналар болалигидан мумтоз мусиқани тинглаб улғайган бўлиши, ундан завқлана олиши, ҳаётини миллий мусиқасиз тасаввур қила олмайдиган бўлиши лозим. Бу дегани, - жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросининг кўксига миллий меросимизга, қадриятларимизга бўлган муҳаббат, миллий ғуур ҳисси барқ уриб туриши шарт дегани.

Инсонга завқ берадиган, уни фикрлашга ундайдиган, ҳайратлантира оладиган, ижодий салоҳиятини оширадиган, мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий бобомиз орзу қилган “комил инсон” даражасига қўтарадиган омиллардан бири - бу бизнинг мақомларимиз ва мумтоз ашулаларимиздир. Бизга миллий қуй ва ашулаларимизнинг хуш ёқишининг асосий сабаби аждодларимиз яратган ва ижро этган бу асарлар асрлардан асрлар оша, бизга қон томиримизда етиб келган. Менталитетимизга ёт бўлган, ғарб ҳалқларида урф бўлган, замонавий янгича йуналишдаги, тингловчига ҳеч қандай маънавий озуқа бермайдиган, урма-зарбли ва электрон чолғу созларида, фақат баланд товушларда, ёқимсиз ижро этиладиган, эшитганларни жазавага тушурадиган, инсонийлик қиёфасини йўқотадиган даражада салбий таъсир қиласиган “шовқинлар мажмуаси”ни мусиқа деб бўлмайди.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларига қадар саҳна санъати ижрочилигига овоз кучайтиргич ускуналари бўлмаган. Лекин, шунга қарамай мақом ва мумтоз ашулалар ижрочилиари овозларини узоқ-узоқларга етказа олишган. Минглаб тингловчилар, мухлислар хофизларнинг ижро маҳорати ва ёқимли овозларидан тўла-тўкис баҳраманд бўлишган. Томошибинларнинг тинглаш маданияти ҳам ҳофизлар овозининг баралла жаранглашини таъминлаган. Хонанда ёки созанданинг юксак ижро маҳорати билан тараннум этган ашуласи ёки бирон чолғу созида чалган ижроси инсон қалбининг туб-тубигача кириб боради, тингловчини ҳайратлантиради ва уни беихтиёр хаёллар оғушига етаклайди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг анъанавий хонандалик бўлимларида овозни йулга қўйиш дарсларида ўқувчиларга овозни созлаш машқлари, нафасни тўғри олиш ва унли ҳарфларни оғизни каттароқ очиб куйлаш лозимлиги ўргатилади.

Овоз ёқимли бўлиши учун хонанда томокни зўриқтирмасдан, майин, қичкирмасдан ва ортиқча товушлардан эхтиёт бўлиб куйлаши керак. Ўқувчига ўзининг овози билан куйлашни ўргатиш лозим. Ўқувчининг бошқа хонандаларнинг овозига ўхшатиб куйлаши, яъни таниқли хонандаларнинг

овозига тақлид қилиши ўзининг табиий, ёқимли овозини йўқолишига олиб келиши мумкинлигини уқтириш керак. Ўқувчи ва талабаларни осон, енгил, овоз диапозони қисқа қўшиқларни айтишга ўргатиш уни мураккабликдан чўчитиб қўйиши мумкин. Агар мақомларимизни, мумтоз ашулаларимизни тинглаган ўқувчи ва талабалар бу тароналардан зерикса, уларга мерос мусиқамиз тарихи, устоз ҳофизлар ижодий фаолияти ва ҳаёти ҳақида маълумотлар бериш керак. Салобатли, вазмин мақом наволарини эшитадиган, шу наволардан завқлана оладиган ўқувчи ва талабалар - дунёга ҳам, борлиқ ҳаёт ва табиат манзараларига ҳам теран фикрлар билан қарайдиган, жиддий мулоҳаза юритадиган бўлиб улгаяди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг анъанавий хонандалик йўналиши ўқитувчилари аввало мурғак болажонларнинг овозини йўлга қўйишилари керак. Ҳар бир боланинг ўз овоз тембри ва ижро имкониятлари мавжуд. Устозлар болалардаги ўша жиҳатларни шакллантириш устида кўп ишлашлари лозим. Бундай дарс машғулотлари Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг анъанавий хонандалик йўналишларида якка тарзда ўтилиши лозим. Болалар билан дарс машғулотларининг якка тартибда ўтилиши -устозга энг иқтидорли, ширали овоз соҳибларини, ижро маҳоратига эга бўлган қобилияtlilarни танлаб олиш ва топиш имконини беради.

Энг иқтидорли, ноёб овоз соҳиблари бўлган болалар билан алоҳида якка дарс машғулотлари ўтилиши, уларни марказлардаги устоз санъаткорлар ва ҳофизлар кўригидан ўтказиш зарур бўлади. Бугунги кунда республикамида маданият вазирлиги ташаббуси билан ёшлиrimiz иштирок этишлари мумкин бўлга турли кўрик-танлов ва фестиваллар ўтказилмоқда. Ана шу кўрик-танловлар ҳақиқий қобилияtlilarни, асл иқтидорли ижрочиларни ва чиройли овоз соҳибларини саралаб бериши керак. Бундай ноёб истеъодод эгаларини мамлакатимизнинг таникли ва етук санъаткорлари, эл ардоғидаги ҳалқ артистлариiga бириктириб, уларнинг келажакда олий санъат ва мусиқа ўкув даргоҳларида таҳсил олишлари таъминланиши керак. Бу соҳада ўзига хос селекция ишларини олиб бориш керак.

Умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарслари жуда ҳам қониқарсиз ҳолатда ўтилишига бефарқ қараб бўлмайди. Бошланғич синфларда(1-4 синфлар) мусиқа маданияти дарслари бошланғич синф ўқитувчиси(номутахассис) томонидан “ўтилади”. Аксар умумтаълим мактабларида мусиқа фани учун алоҳида синф(кабинет) ажратилмаган. Миллий чолғу созлари харид қилинмаган. Мусиқа маданияти дарслари мутахассис ўқитувчи томонидан олиб борилаётган умумтаълим мактаблари жуда оз фоизни ташкил қиласди. Умумтаълим мактабларида мусиқа ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини қайтадан тиклаш керак. Иқтидорли, санъатга ва мусиқага

қизиқиши баланд бўлган болалар билан тўгарак раҳбари алоҳида шуғулланиши керак.

Шинавандачилик қачон пайдо бўлади? Қачонки яхши ашулани, хонанданинг бетакрор ижросини, тинглаганларни ҳайратлантира оладиган ижрочининг маҳоратини фарқлай оладиган зукко, талабчан мухлис бўлгандагина шинавандачилик бўлади. Бунинг учун ижро этилаётган ашуланинг сўзини, матннинг мазмунини, мусиқанинг жозибадорлигини, овознинг, ижрочининг маҳоратини профессионал даражада тушунадиган ва тўғри баҳо бера оладиган мухлис бўлиши керак. Мусиқанинг, ёқимли овоздан таралган ижронинг инсонга нақадар завқ ва ҳайрат улашишини сўз билан таърифлашнинг иложи йўқ.

Машхур ҳофиз, Ўзбекистон ҳалқ артисти Жўрахон Султонов¹ 1903 – йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Ўн олти ёшида Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов, Домла Ҳалим Ибодов ва Содирхон ҳофиз Бобошариповларнинг овозлари ёзилган пластинкаларни ўзи эшитиб, яхши кўриб юрган. Шулардан бирига шогирд тушишликка аҳд қилиб, охири Ҳўжандлик Содирхон ҳофиз Бобошариповни танлайди ва поездга чиқиб устоз санъаткорнинг уйини топиб боради. Ўша пайтлари Содирхон ҳофизнинг довруги чор тарафга кетган эди. Жўрахон Султонов устозни танлаб унга шогирдликка тушгани келганини айтади. Устоз уни қабул қиласди ва унга яшайдиган хонасини, бажарадиган юмушларини тушунтиради. Шу зайлда Жўрахон Султонов устознинг уй юмушлари ва бошқа хўжалик ишлари билан шуғулланиб юради.

Бу орада Содирхон ҳофиз юртнинг яхши кунларини ўз санъати билан ўтказиб, уйдалик пайтларида ижрочилик маҳоратини янада ошириш учун ашула ва чолғу чалиш машғулотларини бажариб боради. Жўрахон Султонов эса, уй юмушлари ва хўжалик ишлари билан банд бўлган. Орадан бир ярим йил ўтгандан сўнг, Содирхон ҳофиз навбатдаги сафарга отланаётган вақтда Жўрахон Султонов устозга юзланиб, “Устоз мен бир ярим йилдан бери Сизнинг уйингиздаман. Менга ҳам бирон бир ашулани ўргатмайсизми?” – деганларида, Содирхон ҳофиз ёш Жўрахонга “Сизга бирон ашулани ўргатайми ёки Сизни дуо қиласми? - дейди. Шунда Жўрахон Султонов “Дуо қилинг, устоз” дейди. Содирхон ҳофиз “Илоҳим, довруғингиз етти иқлимга маълум ва машхур ҳофиз бўлинг”-дея дуо қиласидилар.

Бўлиб ўтган воқеадан маълумки, Жўрахон Султонов бир ярим йил устознинг уйидаги хизматни бажариб юриб, унинг ашула машқларини жон қулоғи билан тинглаган. Устознинг ҳар бир ижросини ўрганиб, ёд олган. Ўз ўрнида устоз Содирхон ҳофиз ҳам Жўрахон Султоновнинг уй юмушларини

¹. С. Маннопов. “Навобахш оҳанглар”. Тошкент ш. “ИЖОД-ПРЕСС” нашриёти. 2018 – йил. 128-130 бетлар.

бажариши асносида устознинг ашулаларини ҳиргойи қилиб, айтиб юрганини эшитган. Устоз-шогирд бир бирини зимдан эшитиб, бир бирининг ижросидан баҳраманд бўлишган. Шу сабабдан Содирхон ҳофиз шогирдидан “Сизга бирон ашулани ўргатайми ёки Сизни дуо қилайми?” – деб сўрайди.

“Мусиқа ва адабиёт инсон умрининг ажралмас бир қисми бўлиб, аждодларимиз асарларини мутолаа қилиш кўплаб мусиқий-шеърий ижод намуналари билан танишишга, уларни ўрганишга ёрдам беради. Жумладан, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Нажмиддин Кавқабий, Дарвиш Али Чангий каби буюк алломаларнинг кўплаб рисолаларида созандалик санъати, мусиқа илми тўғрисида адабиётларда кўплаб маълумотлар баён этилган.

Форобийнинг энг яқин издоши Абу Али ибн Сино бўлган. Ёш Сино учун Форобий асарлари ўзини қизиқтирган фанлар, жумладан, мусиқа фанини билишда ҳам қалит вазифасини ўтаган эди. Ибн Синонинг² “Мусиқа фани ҳақидаги рисола” асаридаги боблардан бири ритм, шеър ҳамда шеърий вазнлар масаласига бағишиланган эди. Форобийга ўхшаб, Ибн Сино ҳам шеърий жанр ва шаклларнинг урф-одатларига бевосита боғлиқ эканлигини ҳамда уларнинг бойитишга интилишини таъкидлайди.

Бир неча манбалар Абу Али Ибн Синонинг кўпгина асарлар муаллифи эканлигидан далолат беради. Бу вақтда ҳалигача фақат ҳалқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қадимий эпик-афсона ва ривоятларга бўлган қизиқиши ортган эди. Профессионал қаҳрамонлик эпоси вужудга келди, унинг асосида ўн бир бўғинли вазн-мутақориб ётар ва икки мисра бир-бири билан кифояланиб келади. Ўрта Осиё ҳалқлари эпосидан Фирдавсий³ ўзининг машҳур “Шоҳнома” достонида унумли фойдаланган эди. Унда ўша давр мусиқа санъатининг кенг манзараси: мусиқий ҳаёт, чолғулар ҳақида атрофлича маълумотлар акс этган. X – XI асрларда маданият, санъат ва адабиёт ривожланган ва тараққий этган давр бўлиб, бунда мусиқачилар ҳақидаги маълумотларни қамрайдиган адабий ёдгорликлардан бири “Қобуснома”дир.⁴

Унда саройдаги мусиқачиларга оид ахлоқ кодекси баён этилган бўлиб, вазн ва ритм мураккаблигига кўра куйларнинг тавсифи берилган. Мазкур асарда Кайковус ҳаётини ва амалий масалалардан кенг фойдаланган ҳолда ўз турмушида кўрган, учратган муаммоларни ҳикоялар, мақоллар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари орқали ифодалайди. Жумладан, ўттиз бешинчи “Шоирлик

². Абу Али ибн Сино. “Мусиқа фани ҳақидаги рисола” -. Буюк аллома Ибн Сино жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд барча фанларнинг қарийб барчаси билан шугулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 таси етиб келган. Шулардан, 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тиљшуносликка бағишиланган.

³. Ш.Шомуҳамедов. “Шоҳнома” – Фирдавсий. Шоҳ китоб ва унинг муаллифи. Тошкент. 1992-йил.

⁴. Кайковус. “Қобуснома” - Тошкент. 2019 – йил.”Ўқитувчи” нашриёти. 197–198 бетлар..

расми зикрида”ги бобида шоирларга қуйидагича маслаҳат берилган. “Бир хил вазн ва бир хил кифояга қаноат құлмағил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмағил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда алъал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур”.

Айниқса, асарнинг ўттиз олтинчи бобида, яъни “Хофизлик ва созандалик зикрида” айтилганки, “ҳофиз бўлсанг, хушифеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутаййаб ва хуизабон бўлғил ва ўз ишингга машгул бўлғил, ярамас хулқ, қўпол башира бўлмағил. Ҳамма вақт оғир йўлларни чертмағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиши шарт эмасдур, нединким одамларнинг барчаси бир хилда бўлғон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни ҳалқ муҳталифдорлар” дейилган.⁵

“Қобуснома” асари китобхонни ўзига жалб этадиган даражада бой мазмунга эга бўлиб, унда санъат соҳасида эндиғина ўз фаолиятини бошлаётган ёш мутахассисларининг таълим ва тарбияси учун муҳим бўлган жисмоний ҳамда ақлий фазилатлар ўта зукколик билан таҳлил қилинади.⁶

Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида маданиятнинг юксак даражадаги ривожи қайд этилади. Худди шу даврда олим ва мусиқачи Абдул

Қодир Мароғий томонидан мусиқага оид рисола яратилади.⁷ Унда сарой мусиқасининг хилма-хил шакллари, бизгача етиб келган пешрав мусиқий жанрлари тасвирланган. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқанд ўз маданий мавқенини Ҳиротга бўшатиб бера бошлайди. Табиийки, бу ердаги маданият ривожи, биринчи навбатда, ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаронинг бош вазири бўлган Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Навоий мусиқани ниҳоятда яхши кўрган, мусиқий асарлар яратган. Мусиқани нозик ҳис этган ҳамда унинг катта эмоционал, маънавий ва эстетик кучга эга эканлигини англаған адаб мусиқий асарларнинг мазмундор ҳамда ҳаёт билан боғланган бўлиши шарт деб ҳисоблар эди.

2017-йил 17-ноябрда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Миллий мақом санъатини ривожлантириш ва ёшларни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, уларнинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан фойдаланиш” тўғрисида қарори эълон қилинди. “Мақом” санъатига мамлакат раҳбари даражасидаги бундай эътибор, бундай муносабатдан юртимизда ижод қилаётган барча миллий мумтоз ижрочилик санъати вакиллари, устоз санъаткорлар, ҳофизлару-созандалар,

1. Кайковус. “Қобуснома” - Тошкент. 2019 – йил. “Ўқитувчи” нашриёти. 201- бет.

2. Кайковус. “Қобуснома” - Тошкент. 2019 – йил. “Ўқитувчи” нашриёти. 197-202 бетлар.

3. Ҳожа Абдулқодир Мароғий мусиқа назарияси соҳасида бой мерос қолдирган: «Канз улалҳон» («Куйлар хазинаси»), «Жоме улалҳон» («Куйлар мажмуаси»), «Мақосид улалҳон» («Куйлар ҳосил қилиш ўрни»), «Шарҳаладвор» (Сафиуддин алУрмавийнинг «Китоб ул-адвор»ига шарх) ва бошқалар.

бастакорлар қаторида санъатсевар халқимизнинг хурсандчилиги ҳам беҳад ошиди.

Шашмақомнинг Наср бўлимидаги ашулаларнинг сўзлари мумтоз шоирларимизнинг ғазалларига айтилиши худди узукка кўз қўйгандек. Дастлаб бу ашулалар форсий шоирларнинг ғазаллари билан айтилган. Юнус Ражабий Шашмақомнинг Наср бўлимига ўзбек мумтоз шоирларининг ғазалларини жойлаштируди. Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб, Нодирабегим, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Огаҳий, Мунисларнинг ғазал ва муҳаммаслари мақомларимизнинг Наср бўлимидан ўрин олишиди.

Ўзбек мусиқасида мақомларнинг вужудга келиши оламшумул воқеадир. Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор, миллий ижрочилик санъатининг намоёндаси Орифхон Хотамов телевидениедаги мақом тўғрисидаги қўрсатувларнинг бирида шундай фикрларни айтган эди. “Мақом деган сўзнинг асли маъноси: пишиб етилган, жойига келган, бирор қўша олмайдиган ҳам, бирор ололмайдиган ҳам даражага келган, яъни яхши бастакор, ашулачи, созандаларнинг асрлар давомида сайқал бериб ижро қилган, жойига келган асари, мақом деганидир”.

Ўзбекистон мусиқа маданиятининг атоқли арбобларидан бири, йирик олим, санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабов ўзининг⁸ “Мақом асослари” рисоласида қўйидаги фикрларни билдирган. “Мақомлар маълум тартибда яратилган туркумли мусиқий мажмуя бўлиб, бастакорлик ижодиётининг ўзига хос сайқал берилган туридир. Мақомлар кенг маънода халқ мусиқаси қомусидир. Чунки уларда хусусан Шашмақомда ўзбек ва тожик халқлари мусиқасига хос вазн хусусиятлари, садо-оҳанглар, доира усуллари, шеърият билан халқ ашула йўлларининг боғланиш қоидаларига асосланган қатор жабҳалар ўз тўлақонли ифодасини топган. Шу сабабли, ҳозирда мақом масалаларини ўрганишга, мақом ижрочилигидаги услубларни аниқлаш ва ўзлаштириш ишига жиддий аҳамият берилмоқда”.

Абу Али ибн Синонинг мусиқа ривожига қўшган ҳиссаси, бу соҳада олиб борган изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Айни мақолада ибн Синонинг мусиқа борасидаги илмий қарашлари ва рисолалари ҳақида маълумот берилади. Абу Али Ибн Сино мусиқа илмини ёшлигиданоқ пухта эгаллаган, унинг таржимаи холида ёзилишича, ёшлигига риёзиёт яъни математика ва унинг таркибидаги фанларни пухта ўзлаштирган. Маълумки, мусиқа илми ҳам математиканинг таркибий исми булган. Ибн Сино буюк математик ва мусиқашунослар Афлотун ва Эвклидларнинг асарлари билан таниш бўлган. У мусиқага оид бир қанча асарларни ёзган булиб, шулардан бири энг катта ва тулиқ илмий қомусий асари бўлмиш “Шифо китоби”нинг мусиқага бағишланган

⁸. И. Ражабов. “Мақом асослари” - Тошкент. “Санъат” нашриёти. 1992-йил.

"Мусиқа илми тўплами" қисми алоҳида эътирофга сазовор. У Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари орасида хар томонлама тўлиқ саналади.

Султонов Абдураҳим
факултети доценти

Гулистон давлат универси Санъатшунослик